БИБЛИОТЕКА 163

# БЕГОНА ЎТ ҲОСИЛНИНГ ДУШМАНИ, ХОТИРЖАМЛИК ЭСА УНДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ ДУШМАНДИР


БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 163 (2454). | 21 август, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.


★ ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛСАК, ҒУЗА ПАРВАРИШИНИ БЎШАШТИРИБ ЮБОРСАК, ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДА БЕРГАН ВАЪДАМИЗНИНГ УДДАСИДАН ЧИҚОЛМАЙ ҚОЛИШИМИЗ МУМКИН.

★ ҲОСИЛ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ АЪЗОЛАРИНИНГ НАЗОРАТИДА! Яқинда улар Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ бошқармаларида ҳосил тўплаш ойлиги қандай ўтказилаётганлигини синчиклаб текширдилар. Энди гал ЯНГИЙЎЛ, КАЛИНИН, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ, БЕКОБОД ВА БЎКА БОШҚАРМАЛАРИ пахтакорлари, сизларга келди.

★ ДАЛАЛАР ЎТДАН ТОЗАЛАНГАНМИ, ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРИЛЯПТИМИ, ҒЎЗА ЧАНҚАТИБ ҚЎЙИЛМАЯПТИМИ, СУВДАН СЎНГ ҚАТОР ОРАЛАРИ СИФАТЛИ ЮМШАТИЛЯПТИМИ? ТЕРИМГА ҲАММА НАРСА ШАЙМИ ЁКИ БАЪЗИ КЎЗБЎЯМАЧИЛАРНИКИГА ЎХШАБ, ҒЎЗАЛАРИНГИЗНИНГ УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚМИ? АГАР ДАЛА ИШЛАРИ КЎНГИЛДАГИДЕК ОЛИБ БОРИЛМАЁТГАН БЎЛСА, ТЕКШИРИШ ПАЙТИДА ЕР ЧИЗИБ ҚОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

*★ҒАЙРАТ ҚИЛИНГ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ СИРА БЎШАШТИРМАНГ. АВГУСТНИНГ ҚОЛГАН КУНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШИШ УЧУН АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛИНГ!*

## ҒЎЗА ПАРВАРИШИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўзаро текшириш бригадалари бир неча кун давомида Ўзбекистонда бўлдилар. Улар қардош республикалар пахтакорларининг традицион мусобақасида олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текшириб, кўпгина колхозлар ва совхозларнинг иши билан ҳар тарафлама танишдилар. Тожикистон вакиллари Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва Сирдарё областларида, Туркманистон вакиллари Андижон ва Сурхондарё областлари, шунингдек Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида бўлдилар.

Қардош республикалар қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг вакиллари ўз хулосалари ва таклифлари ҳақида 19 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг кенгайтирилган мажлисида гапириб бердилар. Ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари — Тожикистон ССР сув хўжалиги министри Т. Муҳамедов ва Туркманистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари М. Курдов ахборот бердилар. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Эргашев ўзаро текшириш бригадаларининг таклифларини бажариш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Муҳамедов ва Курдов ўртоқлар бир қанча колхозлар ва совхозларда ғўзанинг ҳолатига яхши баҳо бериб, шу билан бирга айтдиларки, ўзаро текшириш бригадалари борган областларда айрим партия ва совет ташкилотларининг ишлаб чиқариш бошқармаларининг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ғўза парваришини ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар, бунинг оқибатида катта майдонларда ғўзанинг ривожланиши ҳали ҳам кечикмоқда ва қониқарсиз аҳволда қолиб келмоқда.

Ўзаро текшириш якунларини муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашдилар.

Мажлисда таъкидландики, ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари республика далалари меҳнаткашларига катта ёрдам кўрсатдилар, уларга амалий маслаҳатлар бердилар ва муҳим мулоҳазаларини айтдилар. Бу маслаҳатлар ва мулоҳазаларда мамлакатимизнинг барча халқлари билан биргаликда етти йилликнинг бешинчи йили вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларини бирлаштирувчи қардошларча дўстлик туйғулари ўзининг конкрет ифодасини топди.

Ўзаро текшириш якунлари муҳокама қилинаётган пайтда шу нарса кўрсатиб ўтилдики, Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари ҳамда барча меҳнаткашларининг ҳозирги биринчи навбатдаги вазифаси ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтиришдан, мўл ҳосил тўпланишини таъминлашдан иборатдир. Айрим ходимларнинг хотиржамликка берилиб, ғўза парвариши суръатини сусайтириб юборганлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Ана шу зарарли хотиржамлик кайфиятларига қарши энг қатъий кураш олиб бориш, ғўзаларнинг аҳволи учун ҳар бир раҳбарнинг жавобгарлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни жуда қисқа муддат ичида бартараф этиб, қардош республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари жойларда айтган тавсиялари ва маслаҳатларини батамом ва тўла бажариш керак. Бунда ғўзани суғоришга, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши курашга, экинларни табақалаштириб парвариш қилишга алоҳида эътибор бериш керак. Пахта далаларида ишларни кучайтириш билан бир вақтда чорвачиликни ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш учун ҳамма чораларни кўриш лозим.

Партия ва совет ташкилотларининг, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси — ҳар бир звенода ва ҳар бир бригадада олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун мусобақани кенг авж олдириб юбориш, қийинчиликларга қарши курашиб, ғўзанинг тез ривожланишини таъминлай олган илғорларнинг тажрибасидан ҳамма пахтакорларни баҳраманд этиш, пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги принципини тўғри амалга ошириш, дала шийпонларида сиёсий оммавий ишни кучайтириш, дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳақида тегишли ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Пахта теримига, айниқса ҳосилни машинада териб олишга намунали тайёргарлик кўриш жуда муҳимдир.

Ўзаро текшириш якунлари муҳокама қилинаётган пайтда таъкидландики, Ўзбекистон колхоз ва совхозлари бу йил олинган мажбуриятни бажариш учун — давлатга 3 миллион 566 минг тонна пахта етказиб бериш учун етарли миқдорда мўл ҳосил етиштириш йўлида ҳамма имкониятларга эгадирлар. Ана шу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш — республика пахтакорлари ва барча меҳнаткашларининг муҳим ватанпарварлик бурчидир. (ЎзТАГ).




## АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Бугунги чоршанба сонининг иккинчи бети икки хил нусхада босилди.*

*САНОАТ ХОДИМЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН САҲИФАДА: «Коммунистлар омманинг тарбиячилари» умумий сарлавҳаси остида Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг секретари И. Умаровнинг «Идеология ишининг асоси», оҳангаронлик штатсиз мухбиримиз И. Аҳмедовнинг «Қалбга йўл изловчи», 1-бирлашган темир йўл хўжалиги партия ташкилоти секретарининг ўринбосари П. Селезновнинг «Дилкаш пропагандист» ва мухбиримиз Ш. Қосимовнинг «Қарорлар ва одамлар» сарлавҳали материалларини ўқиш мумкин.*

*ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН САҲИФАДА: «Машина теримига шайланинг» умумий сарлавҳаси остида Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхоз раиси П. Ҳакимов ва шу колхознинг бош инженери З. Афанасьев ўртоқларнинг «Суянган тоғимиз», Чинoздаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Пўлатов ва колхоз партия ташкилотининг секретари Қ. Йўлдошев ўртоқларнинг «1400 эмас, 2400 бўлади». Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозининг агрономи Ф. Мадалиевнинг «Мададкорлар» сарлавҳали материаллари ва бошқа хабарларни ўқиш мумкин.*

## ИЛҒОРЛАРНИ ОРҚАГА ТОРТАЁТГАНЛАР

Бу йил ўзбек пахтакорлари она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна пахта тортиқ этади. Бу улкан курашга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир меҳнат аҳлининг, ҳар бир пахтакорнинг шон иши, шараф иши.

Бўкалик пахтакорларнинг олдида ҳам жуда катта вазифалар турибди. Улар бу йил бошқарма бўйича камида 62 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришлари керак.

Хўш, пахтакорлар ана шу мажбуриятга яраша ишлашаяптими? Чақириқ ва Мурожаатлар асосида далаларда ғўза парваришини қандай ташкил қилишаяпти?

Охунбобоев номли колхоз. Раис билан дала айланиб юрибмиз. Унинг гап-сўзи, хатти-ҳаракатидан мамнунлик, кўнгли тўқлик, дадиллик сезилиб турибди. Бу бежиз эмас. Колхознинг асосий майдонларидаги ғўзалар яхши авж олиб ўсаяпти, гектарлардаги кўчатлар бут ва серҳосил.

Августнинг ғанимат ҳозирги кунларида асосий ҳосилни етилтириб олиш, ғўза тупларидаги мавжуд кўсаклар ёнига яна 2—3 тадан бўлиқ кўсак қўшиш учун ғўза парвариши ишлари ҳозир ҳам давом эттирилаяпти.

Мана, колхознинг ўртоқ Салимбой Иброҳимов бошлиқ 11-бригада даласи. 81 гектар ерда ғўза ўстирилаяпти. Бригада бу йил мажбурият бўйича 28 центнердан ҳосил кўтариши керак. Коллектив мажбуриятга яраша ҳалол меҳнат қилаяпти. Ғўза қатор оралари ҳозиргача узунаси ҳам кўндалангига 4 марта ишланди. Бешинчи ишлов ҳам сифатли ўтказилаяпти. Уч марта тўйдириб озиқлантирилган пахта майдонининг ярмига шарбат суви оқизиб бўлинди. Ғўзалар тўрт марта қониб сув ичди. Бригада ерлари анча қирлик, тепаликлардан иборат. Ғўзалар мотор ёрдамида чиқарилган сув билан суғорилади. Шунинг учун ҳам бригадада ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга аҳамият берилаяпти. Далаларда чанқаган ғўзаларни кўрмайсиз. Тупроқда нам етарли. Чеканка ҳам барвақт, қулай агротехника муддатларида ўтказилгани натижасида кўчатлар калтабўғин бўлиб ўсган. Кечроқ пайдо бўлган юқори шохлардаги кўсаклар ҳам тўлишиб йириклашган. Ҳосил тугунчаларининг тўкилишига йўл қўйилмаган. Ҳар туп ғўзада 10—11 тадан тўқ ва етилган кўсак санайсиз.

Пахтакорлар шу кунларда ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бор ҳосилни зараркунандаларга олдирмай тўла сақлаб қолиш учун курашаяптилар. Шу мақсадда ғўзалар икки марта яхшилаб дориланди. Ҳар эҳтимолга қарши тунлари пайкал бурчакларига машъаллар ёқилди. Далада ўт кўринмайди.

Хуллас, бригадада мўл «оқ олтин» учун кураш яхши йўлга қўйилган. Бригада аъзолари бир жон-бир тан бўлиб ишлашаяпти.

Сўнг Аббос Расулев раҳбарлик қилаётган 7-бригада даласида бўлдик. 50 гектарлик бригада ғўзасининг авжи жуда яхши. Бўлиқ ғўза туплари кўзни қувонтиради. Кўчатларда шиғил ҳосил.

— Бу ерларда биринчи йили пахта ўстираяпмиз,— дейди раис, —бригада ерлари илгари қир-тепаликлардан иборат эди. Ўтган йили тепаликларни сурдириб, пахта экиш учун ҳозирлаб қўйдик. Кўкламда шу майдонларга чигит экдик. Ер бақувват экан, ғўзаси яхши бўлиб берди. Колхозчиларнинг тер тўкиб қилган ҳалол меҳнатлари зое кетмади.

Ҳа, ҳозир бригада даласида 25 центнерданга олинган мажбуриятга яраша мўл ҳосил бор. Аммо бу билан хотиржамланиб қолинган эмас. Августнинг ҳар бир дамидан унумли фойдаланиб далаларда ҳосилга яна ҳосил қўшиш кураши қизғин авж олдирилаяпти. Ғўза тупларида янада кўпроқ бўлиқ кўсаклар бўлишига эришиш учун курашилаяпти.

Лекин шундай бўлса-да, айрим бригадалардаги аҳвол кишини ранжитади. Мисол учун 4, 6 ва 8-бригадаларни олайлик. Уларнинг даласида ҳозир ҳам бегона ўт бор. Айниқса 4-бригадада аҳвол чатоқ. Ўртоқ Эргаш Каримов бошлиқ бу бригаданинг юз гектар ери бор. Шундан 15—17 гектарини ҳозирги кунда жуда қалин ўт босиб ётибди. Шу масалага бағишлаб, 14 августда бригадада мажлис ўтказилиб, унда ўтни 20 августгача йўқотишга қарор қилинганди. Аммо қарор қарорлигича қолиб кетди. Ижрони текширишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди. Тағин, икки кунда қўлдан чиқарамиз, дейишганига доғ қоласан киши. Бундай тезкорлик билан қилинган ишнинг сифатсиз, пала-партиш бўлишини, бўлган-тургани зарар эканини улар яхши билишармикан? Агар иш ана шундай қўл учида, расмият учунгина қилинадиган бўлса, у ҳолда ўтга қарши курашнинг нима маъниси бўлди. Бригаданинг ўт босган карталарига 15 кундирки, ҳеч ким кирмаган. Бегона ўтлар жуда баланд ўсиб, уруғ боғлаб кетган. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш кечиктириб юборилган. Бошқа бригадаларнинг ғўзаси бешинчи сувга қонаётгани ҳолда бу бригаданинг ғўзалари энди учинчи сувдан чиқди. Бригадада шарбат суви оқизиш ҳам анча кеч бошланди.

Тельман номли колхоз ерларини айландик. Ҳақиқатда кишиларнинг мақтаганича бор экан: колхознинг Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригадасида ғўза парвариши кўнгилдагидек бораяпти. Далаларда олинган мажбуриятга яраша баракали ҳосил жамғарилаяпти. Бироқ колхознинг баъзи-бир бригадаларида аҳвол ёмон. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва айниқса ўтга қарши кураш эътибордан четда қолган. Жумладан 6 ва 8-бригадаларда ана шундай ҳолатга дуч келдик. 6-бригаданинг 80 гектарлик пахта даласининг 15 гектарини жуда қалин ўт босиб ётибди. Далада ҳеч кимса кўринмайди. Қачонлардир суғорилган ернинг нами аллақачон оби-тобидан ўтиб кетган. Культивация солинмаган. Даланинг аҳволи анчадан бери бу ерда ҳеч ким бўлмаганидан далолат бериб турибди. Нотекис ривожланган ғўзалар орасида ўсишдан қолаётганлари кўп. Август мурожаати асосида бу бригадада намунали ҳеч қандай иш қилинмаганлиги кўриниб турибди. Ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Қозоғистонлик, бекободлик ва мусобақадош «XX партсъезд» колхози пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари колхозда бўлган вақтларида ана шу бригада ишини қаттиқ танқид қилишган эди. Афсуски бу фойдали танқидлардан тегишли хулоса чиқариб олинмади.

«Ленинобод» колхозининг 7-бригадасида ҳам шу аҳвол. 75 гектар пахта майдонининг 8—10 гектарини ўт босган.

Юқоридаги каби камчиликларни бошқармадаги «Пискент» совхозининг 1, 3, 4 ва 6-бўлимларида ҳам учратиш мумкин. Айниқса 3-бўлимда аҳвол чатоқ. Бўлимнинг И. Ирисбеков, Х. Мусуров ва А. Ёрмаматов ўртоқлар бошлиқ 6, 7 ва 8-бригадалари даласини қалин ўт босган. Ўсимлик зараркунандалари ва касалликларини аниқлаш ишига эътиборсизлик билан қаралаяпти. Ишлов бериш кечиктириб юборилган. Бўлимда ҳали 150 гектар ерда чеканка ўтказилмаган. Кўп майдонларда ғўзалар ўсишдан, ҳосилдан қолмоқда. Парвариш суръати эса ниҳоятда суст. Кишилар ўртасида хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфияти ҳукмрон. Меҳнат интизоми бўшашиб кетган.

Ҳосил тақдири ҳал қилинадиган айни долзарб кунлар тез ўтиб бормоқда. Шунинг учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бутун куч ва воситаларни ғўза парваришига кенгроқ сафарбар қилиб, мавжуд камчиликларни уюшқоқлик билан тезроқ бартараф этишлари лозим. Улар шу долзарб кунларда кишиларни тўла ишга жалб қилиш, ўт босган, ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари тарқалган, чанқаган, ғўзаси ўсишдан қолаётган ва ишлов бериш кечикаётган пахта майдонларини аниқлаш ва йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашишлари керак. Токи, қолоқлар илғорларни орқага тортмасинлар, аксинча уларга етиб олсинлар.

**М. ПАРПИБОЕВ,**
**«Пахтакорлар овози» газетасининг ходими.**
**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



**Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг кекса пахтакор Нормирза Эшов бригадаси далаларида баракали ҳосил тўпланаяпти. Бригада пахтакорлари бу йил 112 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Колхозчилар ҳозирги ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилишаяпти. Суратда: бригадир Нормирза Эшов бригаданинг пахта даласида.**

А. Абалян фотоси.

## Н. С. ХРУЩЕВ БЕЛГРАДГА КЕЛДИ

БЕЛГРАД, 20 август. (ТАСС). Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти Иосип Броз Титонинг таклифига биноан. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев рафиқаси билан ва ўзига ҳамроҳ бўлган кишилар билан бирга дам олиш учун бугун бу ерга келди.

Совет ва югослав давлат байроқлари билан безатилган Сурчин аэропортида Н. С. Хрущевни Иосип Броз Тито рафиқаси билан, шунингдек Югославиянинг бошқа раҳбар партия ва давлат арбоблари кутиб олдилар.

## ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ҒАЛЛА ТОПШИРМОҚДАЛАР

**ГУЛИСТОН.** Сирдарё областининг ғаллакорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг табригига жавобан пландан ташқари қарийб 900 минг пуд (14268 тонна) дон топшириш мажбуриятини олдилар. Ана шу мажбурият ҳисобига доннинг учдан бир қисмидан кўпроғи давлат омборларига тўкилди. Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари пландан ташқари ғалла топшириш учун курашда биринчи ўринда бормоқдалар. Улар йиллик планни бир юз етмиш процент бажардилар. Ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари шу кунларда илғор меҳнат усулларини қўллаиб, бир-бирига тиркалган икки ва уч агрегатнинг икки сменада ишлашини, комбайнлардан донни ғалла қабул қилиш пунктларига қоп-қанорсиз етказиб беришни таминлаб, ҳар куни планга нисбатан беш процент ва бундан ҳам кўпроқ ғалла топширишга муваффақ бўлдилар.

## Рационализаторлар ҳиссаси

**ФАРҒОНА.** Нефтни қайта ишлаш заводи етти йиллик бешинчи йилининг бошидан бери етти юз минг сўмдан ортиқ маблағ тежади. Корхона рационализаторлари бу техника-иқтисодий кўрсаткичга эришишга анча ҳисса қўшдилар.

Ҳозир заводда рационализаторлар сафи тобора кенгаймоқда. Йил бошидан бери улар 350 таклиф киритдилар, бундан бир юз йигирматаси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шу рационализаторлик таклифларини жорий этиш туфайли йилига 36 минг сўм маблағ тежаб қолинади.

# СЕРҚУЁШ республикамизда

## Комсомол сиёсий маориф кабинетлари

**УРГАНЧ.** Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз правлениесининг ёруғ ва кенг биносига кираверишда: «Комсомол сиёсий маориф кабинети» деб ёзилган янги вивеска пайдо бўлди.

Янги кабинетга ўқитувчи, ВЛКСМ аъзоси Рустам Машарипов жамоатчилик асосларида мудирлик қилади. У билимларнинг турли соҳалари бўйича ташкил этилган ўн тўгарак тингловчиларининг самарали ўқиши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитни яратишга ҳаракат қилган.

Пропагандист-лекторлар, шу жумладан колхоз агрономи Байрам Гарипов ва мактаб ўқитувчиси Ҳамро Матқурбоновлар бу ерга келувчи ёшлар билан консультациялар ўтказмоқдалар.

Партия XX съезди номли, «Москва» ва бошқа колхозларда ҳам жамоатчилик асосларида комсомол сиёсий маориф кабинетлари ташкил этилмоқда. Янги ўқув йилининг бошланишига қадар областда олтмишта комсомол сиёсий маориф кабинетлари очилади.

## БОҒДОРЛАРНИНГ ҲАВО ТРАССАЛАРИ

*Фарғона, Самарқанд, Андижон мевалари ортилган юк самолётлар ҳар куни Тошкент аэропортидан парвоз қилади. Самолётлар Узоқ Шимолга, Камчаткага, Сахалинга қараб йўл оладилар. Мамлакатимизнинг шаҳарлари ва саноат марказлари меҳнаткашларига самолётларда 1300 тонна шафтоли, олма, олхўри жўнатилди.*

*Бу йил Ўзбекистонда мевадан кўп ҳосил олинмоқда. Мева тайёрлаш йиллик планининг ярмидан кўпроғи бажарилди. Ҳозирги вақтда Андижон область колхозларининг меҳнаткашлари ленинградликларнинг фахрли заказини бажармоқдалар. Улар ленинградликлар учун узумнинг энг яхши навларини жўнатишга тайёрланмоқдалар. Яқин кунларда Ленинградга дастлабки 35 тонна мева юборилади. Самолётлар бир неча тонна шафтолини Якутскка етказиб бердилар. (ЎзТАГ).*

